



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON JURNALISTIKA VA
OMMAVIY KOMMUNIKATSIYALAR
UNIVERSITETI



FLEDU.UZ
FOREIGN LANGUAGE
EDUCATION

MEDIALINGVISTIKANING DOLZARB MASALALARI

MAVZUSIDAGI XALQARO ONLAYN ILMIIY-AMALIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI



ACTUAL ISSUES OF MEDIALINGUISTICS

MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC
AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ МЕДИАЛИНГВИСТИКИ

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ

TASHKENT 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
БОСМА ОАВ ВА НОШИРЛИК ИШИ ФАКУЛЬТЕТИ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ**

**“МЕДИАЛИНГВИСТИКАНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ОНЛАЙН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Мусурмонова Х.А. Миллатнинг бебаҳо хазинаси	182-бет
7-ШУЪБА. АДАБИЁТШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ	
Тикаев Г.Г. История тюркских народов в египетской литературе I-й половины XX века в литературоведческом аспекте	185-бет
Қиличева К.Ю. Шайх Хованд Тохур меросида устоз-шогирд муносабати	194-бет
Қўчқорова М.Х. Эркин Аъзам бадий публицистикасининг муҳим хусусиятлари	
Қабирова Н.К. Афғон ёзувчиси Раҳнавард Зарёбнинг ҳикояларида фабула яратиш маҳорати	200-бет
Ахмедова Ш.Н. Адабиёт ва бихевористик ёндашув	205-бет
Abdayeva B. Xalq dostonlarining o'xshash va farqli xususiyatlari	208-бет
Бўронова Б.М. Бадий таржимада шакл ва мазмун	211-бет
Шукурова Г.Х. Матқуб Қўшжонов таҳлилида бадий образ масаласи	214-бет
Арипова Д. Ҳажв объекти мавзуси Абдулла Қодирий нигоҳида	217-бет
Elmuradova G.A. Talaba yoshlarning ma'naviy olamini shakllantirishda musiqaning maxsus fanlarini o'qitish nazariyasi va amaliyoti	221-бет
Kuchkarov A.B. O'zbek adabiyoti ilk romani	224-бет
Safoyeva M.G. Qiyosiy adabiyotshunoslikning rivojlanishida tarjima nazariyasining o'rni	227-бет

АДАБИЁТ ВА БИХЕВОРИСТИК ЁНДАШУВ



Ахмедова Шоира Нематовна,
Ўзбек адабиёти кафедраси профессори

Аннотация. Глобаллашув даврида адабиёт таълимидаги умумдидактик ва ўзига хос тамойиллардан бири шуки, бугунги кунда адабиёт дарсларида, бадиий матнни ўрганиш ва таҳлил қилишда замонавий: бихевористик, интегратив, компетенциявий ёндашувга асосланган ёндашувлар ва инновацион усулларга эътибор қаратилмоқда. Мақолада интеграцион таълимнинг психология ва адабиёт билан боғлиқлиги, адабиёт таълимида бихевористик ёндашувнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: интеграция, бихеворизм, адабиёт, хулқ-атвор, психология, хикоя, образ, китобхон, юмор.

Муаммонинг долзарблиги. XXI асрда дунё харитасидан муносиб ўрин олган мустақил Ўзбекистонда барча соҳаларда бошланган туб ислохотларнинг барчаси **инсон омилини** ҳар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариб, унинг кучи, идроки, салоҳияти, руҳий ҳамда маънавий баркамоллигини бевосита тараққиёт, ривожланиш ва цивилизация билан узвий боғлади. Бундан инсон ва унинг мукамаллиги, ўз устида ишлаши, ўз-ўзини англаши муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди. Инсон руҳиятини англаш, ўз тараққиётини ва иқтидорини ташкил этишни билиш, янгича фикрлаш ва тафаккур қилиш, рўй бераётган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш муаммоси нафақат психологияда, балки кўпчилик фанлар, жумладан адабиётда ҳам муҳимдир. Айни шу муаммони ечишда ҳозирги замон психология илми ва амалиётининг, шу билан бирга Инсон руҳиятига таъсир этувчи, ҳатто унинг руҳиятини ўзгартиришга қодир бўлган адабиётнинг роли бениҳоя каттадир.

Муаммонинг ёритилишига методологик асос. Республикамизда узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг асосий мақсади таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширишга қаратилган. Таълимнинг ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, бозор иқтисодиёти ва ишлаб

чиқариш билан узвий ҳамкорликда ривожланиши зарурлиги — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муҳим вазифаларидан бири сифатида санаб ўтилган. Шунинг учун ҳам таълимни ривожлантиришда интеграциядан унумли фойдаланиш долзарб вазифага айланмоқда. Интеграция – дифференциация жараёнларидаги фанларнинг ўзаро яқинлашуви ва боғлиқлигида, интеграция жараёни фанлараро боғлиқликнинг юқори шаклида намоён бўлади. Интеграция ўқув фанлари орасидаги тизимли боғлиқларни, фанларнинг бир-бирини тақозо этиши, тўлдириши, мукамаллашуви учун йўл очиб беради. Интеграцияни ўқувчиларнинг турли фанлар бўйича қузатишлари ва хулосаларини тасдиқлаб ёки чуқурлаштириб берувчи янги далилларни топиб бериш манбаи деб баҳолаш мумкин. Бу ўринда биз психология фани билан адабиёт ўртасидаги интеграция жараёни ҳақида тўхталмоқчимиз.

Муаммо таҳлили ва ечимлари. Психология ва у ўрганадиган ҳодисалар нафақат ушбу фан билан бевосита шуғулланадиган мутахассисларга боғлиқ, балки психологик ҳодисалар ва уларнинг моҳияти билан ҳар қандай инсон ҳам таниш бўлиши ва у инсон ҳаётининг асосини ташкил этиши керак. Мустақиллик даври ва унинг ўзгаришларга бой ҳаёти энди ҳар бир кишининг психик ҳодисалар қонуниятларини билиши ва шунга мос тарзда оқилона ва омилқорона иш юритиш заруратини талаб қилмоқда. Бу зарурат Адабиёт фани ўқитишнинг самарадорлигини оширишда ҳам намоён бўлмоқда.

Психологиянинг пайдо бўлиши ва фан сифатида эътироф этилишида биологик, ижтимоий, **бихевиор (хулқига кўра)**, когнитив, психоаналитик, гуманистик, социал-психологик йўналишлар асос бўлган [1.57-80]. Жаҳон психологияси фанида шахснинг камолоти, унинг ривожланиши тўғрисида хилма-хил назариялар яратилган бўлиб, тадқиқотчилар инсон шахсини ўрганишда турлича позицияда турадилар ва муаммо моҳиятини ёритишда ўзига хос ёндашишга эгадирлар. Мазкур назариялар қаторига биогенетик, социогенетик, психогенетик, когнитивистик, психоаналистик, **бихевиористик** қабиларни киритиш мумкин. К.Левин томонидан тавсия қилинган «фазовий зарурат майдони» назарияси психология фани учун (ўз даврида) муҳим аҳамият касб этади. К.Левиннинг назариясига кўра индивиднинг хулқи (хатти-харакати) психологик куч вазифасини ўтовчи иштиёқ (интилиш), мақсад (ният)лар билан бошқарилиб турилади ва улар фазовий зарурат майдонининг кўлами ва таянч нуқтасига йўналтирилган бўлади [2].

Психологиянинг 300дан ортиқ тармоқлари орасида ижтимоий психология - одамларнинг жамиятдаги биргаликдаги иш фаолиятлари натижасида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ҳиссий кечинмалар ва хулқ-атворларини ўрганади. Бихевиоризм (инглизча) – хулқ-атвор деган маънони англатади. Бихевиористика замонавий ҳаётга мосланган, шарҳланган тушунчадир. Бу йўналиш XX аср бошларидаги америка психологияси қиёфасини аниқлаштириб берди ва психика ҳақидаги таассуротларнинг бутун тизимини тубдан ўзгартириб юборди [2]. Бихевиоризм - хулқ ҳақидаги фан, инсоннинг туғилганидан то ўлгунигача бўлган

даврдаги хулқини ўрганади. Бихевористлар инсоннинг хулқини аниқ вазиятларда қараб чиқиш керак ва кузатишлар асосида одамларнинг биргаликдаги ҳаёти, хулқи ва тарбияси ҳақидаги қондалар келиб чиқади деб ҳисоблайдилар. Унинг адабиёт билан боғлиқ жиҳати шундаки, адабиёт ҳам инсоннинг хулқини тарбиялайди, гўзаллаштиради. Бихевористик ёндашув асосида бадиий матнни чуқур ўрганиш, кенг таҳлил қилиш орқали ўқувчининг хулқи-атворини ўзгартириш, тарбиялаш, ижобий томонга ўзгартириш мумкин. Масалан, файласуф шоир, миллий наср устаси Ғафур Ғулумнинг «Менинг ўғригина болам» [4.120] ҳикоясини ўқимаган ўзбек китобхони бўлмаса керак. Ҳикоя ўқувчи хулқ-атворини, характерини тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга. Чунки «бола ўз ҳаётини меҳр-муҳаббат, эзгулик ва адолат тушунчаси билан бошлайди», «деб ёзади Э.Фромм [3.25]. Ҳикоянинг бошидаёқ тилга олинадиган ва асар охиригача ўқувчининг меҳрини қозониб, хурматга сазовор бўлган нуроний кампир - Қора буви образи ўқувчида катта таассурот қолдиради. Бу образ оналарнинг меҳри дарё қалбини ҳис эта билиш, уни эъзозлаш туйғуларини шакллантиришга хизмат қила олади. Ҳикоядаги нуроний, мушфик, неваралари келажакни ўйлаб, кўзига уйқу илинмайдиган Она-буви тимсолида ўқувчи инсоннинг инсонга бўлган меҳрини кўрадики, бу унинг хулқида ўзгариш пайдо қилишига олиб келади. Ғ.Ғулум халқнинг бой тилидан зукколик билан фойдаланиш орқали кичик бир ҳикояда катта бир олам-миллий ўзбек характерини ярата олган. Кампир ва ўғрининг серҳасрат суҳбатидан биринчи жаҳон уруши тўзони туфайли ночор аҳволга тушиб қолган меҳнатқаш халқ турмуши, манзараси шундоққина кўз олдимизда гавдаланади. Кампир ҳам, ўғри ҳам ўша ҳаётнинг зарраси. Кампирнинг холидан хабардор бўлган ўғри ўзининг шум ниятини унутиб, кампирнинг ҳамдардига айланади-унга «бувижон» деб мурожаат қилади, ўтинини ёриб бериб, озгина бўлса-да, ёрдам беришни истайди. Кампир ҳам катта олижаноб қалб эгаси: ўғрининг дардини эшитиб, унинг холига чиндан ачинади, уни ўзига яқин олиб «ўғригина болам» дея эркалайди, қутлуг ўйдан қуруқ кетмасликни маслаҳат беради, унга ишлатилмаётган ярим пудлик қозонни совға қилади. Йигит эса етимлар ризқини олиб кетишни ўзига эп кўрмайди. Уларнинг бир-бирларига муносабатларида ўзбекка, миллатимизга хос бўлган жами яхши фазилатлар мужассамлигини ўқувчи матнни ўқиб, уқиб тушуниб етадики, бу фазилатлар уларни инсонийлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Ўғрининг ҳикоя давомида ўқувчи назарида яхши одамга, меҳр ва ардоққа муносиб кишига айланиб қолиши «бу энди ёзувчи маҳоратининг ажойиб сеҳри. Адиб саховатининг бир эҳсони, Ғ.Ғулум реализмининг мўъжизакор қудратидир. Ҳикоянинг ўқувчи хулқ-атвори, руҳиятига таъсир этадиган яна бир қирраси борки, бу ҳикоянинг беозор, енгил қулги асосига қурилганлиги билан боғланади. Ҳақиқатдан ҳам миллий рух билан йўғрилган ҳикояни ўқир экансиз, ачиниш билан бирга юзингизда қулғу, табассум ҳам югуради. Бу қулгининг маънавий-руҳий жиҳатдан афзаллиги шундаки,

у хамиша бола кайфиятини кўтариб, унинг асабларига дам бериб, миясининг ишлаш фаолиятига катта ёрдам беради.

Мавзу юзасидан хулоса ва тавсиялар. Ҳикоя тахлилида бихевористтик ёндашувдан фойдаланиш ўқувчининг хулқ-атворини яхши томонга ўзгартиришга олиб келиши мумкин. Аслини олганда ўғрилиқ гуноҳ эканлиги, аммо замона зайли билан ўзи истамаган ҳолда бу йўлга кириб қолган инсоннинг ўз хатосини англаши ва Она меҳри олдида тиз чўкиши ёш китобхонни бефарқ қолдирмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франц. М., Мир, 1992. - 496 с. 57-80-б.
2. www.psycho.all.ru
3. Фромм Э. Инсон қалби. Тошкент. -U'zbekistonll.2016. 101 б.
4. Гафур Гулом. Танланган асарлар. 3-том. Тошкент. 1978.

XALQ DOSTONLARINING O'XSHASH VA FARQLI XUSUSIYATLARI



Buviniso Abdayeva

*Namangan davlat universiteti akademik litseyi
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi*

Annotatsiya. Ushbu maqolada o'zbek xalq dostonlari – -Ravshanll, -Kuntug'mishll, -Alpomishll, -Rustamxonll hamda -Go'ro'g'lining tug'ilishll da uchraydigan bir-biridan farqli va o'xshash xususiyatlari hamda favqulodda xususiyatlarga ega qahramonlarning boshidan o'tgan qaltis voqealar she'r va nasriy yo'lda aralash tasvirlangan xalq dostonlari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar. Xalq dostonlari, epik asarlar, -Ravshanll, -Kuntug'mishll, -Alpomishll, -Rustamxonll, -Go'ro'g'lining tug'ilishll

Xalq og'zaki ijodi badiiy adabiyotning eng qadimgi shaklidir. Yuzaki qaralganda bu asar qahramonlarining hayot tarzi go'yo bir xildek: janglar, sarguzashtlar, do'st-u, dushmanlar... Ammo mohiyatni o'rganish, ular o'rtasida xilma-xillik ham mavjud ekanligini ko'rsatadi. Avvalo, ular o'rtasidagi o'xshash jihatlarga e'tibor qarataylik. Asosiy o'xshash xususiyat: xalq og'zaki ijodining eng ommalashgan janrlaridan biri maqollardan o'z o'rnida va umumli foydalanishdir.